

A decorative graphic on the left side of the banner consists of a grid of interconnected white hexagons on a green background. Some hexagons contain icons: an atom symbol, a globe, and a laboratory flask. The grid is partially cut off on the left and bottom edges.

АКТУАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

VIII Международная
научно-практическая
интернет-конференция

22-23 декабря 2015 г.

Выпуск 8
Часть 6

Переяслав-Хмельницкий

вақтида амалга оширилса, вилоятда етиштиралаётган пахта толасининг 68 фоизи шу жойнинг ўзида қайта ишланади.

Шунинг учун, вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан нодавлат секторини мустақамлаш, қишлоқ жойларда янги саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда. Хорижий сармоядорлар ёрдамида вилоят халқ хўжалиги тармоқларига илғор технологиялар, замонавий дастгоҳ ва асбоб-ускуналар келтирилиб, ўзаро манфаатли шартномалар асосида қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, вилоятда амалга оширилаётган барча иқтисодий алоқалар чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, туризм ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантиришга қаратилган.

Адабиётлар:

1. Hakimov Q.M., Adilova O. Jizzax viloyati geografiyasi. -Т., 2015.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2013 й. Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2013 й. Қарори.

Холмурзаев Ж.Э., Ўсканов К.А., Норматов Д.М.
(Джизак. Республика Узбекистан)

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ЭКОЛОГИК ШАРОИТГА ҲАМДА АҲОЛИ ГЕНАФОНДИГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Таянч сўзлар ва иборалар: Орол денгизи ва Орол бўйи худудлар, табиий шароит, экологик омиллар, табиат ва антропоген ландшафт, аҳоли соғлиги ва генафонди, халқаро алоқаларнинг ўрни ва ҳамкорлиги.

Асосий қисм: Фан-техника тараққиёти жадаллашган сари инсоннинг атроф муҳитга бўлган муносабатлари ҳам борган сари фаоллашиб, у табиий бойликларни ишлаб чиқаришга бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ ҳажмда жалб қилиш ҳаракатида меҳнат қилади. Табиатдан бойликларни тортиб олиш ва улардан инсоният эҳтиёжига кўпроқ сарф қилиш кучайган сари минг йиллар давомида барқарар бўлиб келган




экологик мувозанат бузилиб, инсон билан табиат ўртасидаги муносабат мураккаблашиб, табиий ҳолат фалокат ёқасига келиб қолди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг катта тектоник йўл билан вужудга келган қўллардан бири - Орол денгизидир. Орол денгизи - Ўрта Осиёдаги энг катта қўл бўлиб, сув сатҳи 53,4 м. бўлганда майдони 66,1 минг кв. км, ўртача чуқурлиги 16,1 м., энг чуқур ери 69,0 м, энг узун ери 492 км, энг кенг жойи 292 км, ўртача шўрлиги 10-11‰, сув ҳажми 1062 км³ эди.

Орол қўлининг ҳамма қирғоқлари бир хил эмас. Унинг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий қирғоқлари текис ва паст. Аксинча, ғарбий қирғоғи баланд ва тик. Чунки Оролнинг ғарбий қирғоғига Устюрт баландлигини шарқий жарлиги (чинклари) тик тушган. Баъзи ерларда Устюртнинг чинклари Орол денгизидан 190-195 м. баландликда туради. Орол денгизининг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий қирғоқлари паст, эгрибугри бўлиб, қўлтиқлари, кичик ороллар жуда кўп. Оролда 313 дан ортиқ катта ва кичик ороллар мавжуд. Уларнинг энг катталари - Кўкорол, Возрождение, Борсакелмас ороллари.

Табиат билан инсон ўртасида муносабатлар жиддийлашмоқда. Бунинг ёрқин мисоли бўлиб, Ўрта Осиёда Орол денгизи сатҳининг тушиб кетиши натижасида Орол бўйида экологик шароитнинг ниҳоятда тез суръатларда бузилиши ва бунинг салбий ижтимоий иқтисодий оқибатларини кенг миқёсларда кузатиш мумкин. Аслини олганда Орол денгизи ва Орол бўйи ҳудудини маълум миқёсдаги қўшалок, бир бири билан боғлиқ икки теотизим деб қаралса, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабат ва таъсирни тўлиғи билан макрогеоэкологик муаммо деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Орол бўйида геоэкологик муаммо 1960 йилларнинг бошидан вужудга кела бошлаган бўлса, 70йилларнинг ўрталарида (1974 йилда Тахиатош гидроузели қурилиб ишга тушиши ва бунинг натижасида Амударё дельтасида дарё сувининг табиий ҳолда тошишига чек қўйилиши туфайли) шаклланиш босқичига ўтди. Агар бу босқичда грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши билан буғланиш кучайиб, тупроқда туз тўпланиши ҳодисаси ҳамда грунт сувларининг минералланиш даражаси ортгани кузатилган бўлса, 1978 йилдан эътиборан янги босқич, яъни элювиал текисликларда эол (шамол таъсирида рўй берадиган) ҳодисалари - заминни шамол ўйиши ҳамда майда тупроқ, туз, қум, қумоқларни бир жойдан ўчириб, бошқа жойларда тўпланиш жараёнлари, ўсимликларнинг эса гидрофитдан (сув ўсимликларидан) псаммофитга (қумда ўсувчи ўсимлик) томон ўзгаришлари бошланди. Бинобарин, интразонал хусусиятли табиий мажмуалар тадрижий ўзгариш ва ривожланиш борасида зонал хислатларга эга бўлиб бормоқда. Бундай ўзгаришнинг ҳаққонийлигини таркиб топаётган тупроқ турлари ва кичик турлари тасдиқламоқда. Қайирларнинг аллювиал ўтлоқ тупроқлари ўтлоқ ва ботқоқ - ўтлоқ, шўрхоқлар ва ўтлоқтақир - типик шўрхоқлар - тақирли қолдиқ шўрхоқлар ва тақирли - қум чўл тупроқлари, тақирлар йўналишида ўзгариб бормоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг Орол ва Оролбўйи худудлари халқаро аҳамиятга эга экологик ҳалокат ҳудуди деб эълон қилинди. Орол ва Орол бўйи муаммоси ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали, кенг қамровли геоэкологик муаммоларга яққол мисол бўлади. Унга таъсир этувчи ташқи асосий омил минераллашув даражаси юқори бўлган ва турли кимёвий моддалар билан тўйинган дарёлар сувининг истеъмол қилиниши ҳамда суғориладиган деҳқончиликда ишлатилишидир. Бу муаммонинг энг йирик таркибий қисмлари - Орол денгизи ва Орол бўйи, табиий шароит ва бойликлар, ижтимоий иқтисодий ҳаёт экологик вазият (шу жумладан инсон ҳаётининг ўзгариши) ва б. Муаммони бошқарувчи асосий омил денгиз сатҳининг мунтазам тушиб бориши ва Орол бўйининг сув билан мунтазам таъминлаишининг издан чиқишидир.



Орол ва Орол бўйи муаммосининг ҳар бир таркибий қисми ўзи алоҳида, лекин бир бирлари билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Бинобарин, уларнинг ечими ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуини бараварига қўллаган ҳолдагина ҳал қилиниши мумкин. Ташқаридан келаётган дарё сувларининг экологик тоза бўлиши муаммони ижобий ва тез ҳал қилишга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Орол сув сатҳининг пасайиши қуйидаги салбий оқибатларга олиб келди: бу ҳол чегара иқлимга салбий таъсир этмоқда. 1961 йил Мўйноқда январнинг ўртача ҳарорати $-4,4^{\circ}$ эди, ҳозир эса $-8,3^{\circ}$ га етди. Натижада Орол бўйида баҳорги совуқ тушиш 10-12 кунга чўзилиб, кузги совуқ тушиш 10-12 кун эрта бошланмоқда, ер ости сув сатҳи пасайиб, шўрлиги ортиб, тўқайзорлар майдони қисқариб, кўллар қуриб, қайта чўллашиш жараёни тезлашмоқда. Орол атрофидаги сув тагидан чиқиб қолган ерлардаги тузлар кўчиб уларни шамол 500 км га учуриб кетмоқда. Натижада Қуйи Амударёнинг суғориладиган ерларининг ҳар гектарига 0,5-1,0 тоннагача чанг аралаш туз тушмоқда. Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши сабабли у транспорт аҳамиятини деярли йўқотди. Орол денгизидан йилига 500 минг тоннагача балиқ овланар эди. Эндиликда балиқ деярли овланмайди, натижада, балиқ хўжалиги йилига 18,9 млн, сўм фойдадан маҳрум бўлди. Амударё ва Сирдарё дельтасидаги қамишзорлар ва тўқайларнинг қуриб қолиш сабабли мўйнали хайвон ондатра,

норка жуда камайиб йўқолиб кетиш арафасида турибди. Натижада йилига 4,7 млн. (1991йилги маълумот) сўмлик даромад йўқотилмоқда.

Баъзи мутахассисларнинг (Ю.В Новиков, 1995) фикрига кўра Орол денгизи ҳавзасида 60 минг км³ дан ортиқ ер ости сувлари мавжуд ва бу сувларни катта миқдорда чиқариш Оролбўйида ичимлик сув муаммосини ҳал қилади ва ҳатто денгизни асл ҳолига қайтариш имконини ҳам беради. Бунинг учун 50000 қудуқ қазилиб, йилига 100 км³ сув олиш зарурдир. Бу лойиҳанинг зарарли оқибатлари ҳам жуда катта бўлиши мумкин. Орол муаммосини ҳал қилиш учун Сибир дарёларининг сувини келтириш, ёмғир ёғдириш, Каспий денгизидан сув олиш каби лойиҳалар ҳам мавжуд. Албатта, қайси илмий фаразнинг тўғрилигини вақт кўрсатади. Яқин келажакдаги асосий ва реал вазифа Орол денгизининг мавжуд сув сатҳини сақлаб қолишдир. Бунинг учун денгизга ҳар йили камида 20 км³ сув этиб боришини таъминлаш зарурдир. XX асрнинг 70- ва 80-йилларида собиқ иттифоқда Фан ва Техника Давлат қўмитаси топшириғига биноан Орол муаммоси билан мамлакатимизнинг кўпгина илмий ва лойиҳалаш ташкилотлари шуғулланди. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида ушбу муаммонинг кўпгина томонлари пухта ўрганилди. Оролни сақлаб қолиш ва Орол бўйида вужудга келган табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1987 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан жамоатчилик асосида «Оролни қутқариш қўмитаси» ташкил топди. Айни вақтда Орол фонди очилди. Орол муаммоси билан шуғулланувчи собиқ иттифоқ ва Республика, ҳамда давлатлараро ҳукумат комиссиялари ташкил топди, ҳозир улар амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш борасида мутахассислар ва олимлар ҳамкорлигида катта иш олиб бормоқда.

Энг катта ўзгаришлар жанубий Оролда кузатилмоқда. Жанубий Оролга Қизилқумнинг шимоли - ғарбий қисми Орқаунгуз Қорақуми (Сариқамиш ботиғи билан), жанубий Устюрт ва Амударё дельтасини ўз ичига олади. Унинг майдони 245 минг км² ёки Ўрта Осиё майдонининг 19,2 %ни ташкил қилади. Бу ҳудудга Қорақалпоғистонни ҳаммаси, Хоразм ва Тошховуз вилоятлари киради. Амударёнинг дельтасидага 50 дан ортиқ кўл ҳозир 50 - 60 минг га. майдонда қуриб қолган. Бу ерда экологик шароитнинг ўзгариши шундай даражага этганки, у жаҳонда тенги йўқдир, шунинг учун уни баҳолаш мураккаб.

Орол ва Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа ривожланган давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки ва бошқа турли давлат ва нодавлат халқаро ташкилотлари бу аср муаммосини ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бир вақтлар ҳатто, чет элда чиқариладиган ажойиб Орол балиқлари кишилар хотирасида қолди, холос. Ўрта Осиё ҳудудида Орол муаммоси, трансчегаравий дарёлар, чўлланиш, қашшоқлик, оммавий ишсизлик, аҳолининг ташқи мигратсияси (кўчиб кетиш жараёнлари) авж олишига йўл қўймаслик ҳозирги кунда ҳудуднинг энг муҳим муаммоларидир.

Денгиз атрофидаги музофотларда ҳозир 4,0 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, муаммонинг табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳол муаммони фақат бир бутун тарзда ҳал этишни тақозо қилади. Сифатли ичимлик сувлар билан кўп жойларни таъминланмаганлиги, ахлатхоналарни ёмонлиги, канализатсияни яхши ишламаслиги охириги пайтларда жуда кўп аҳоли генафондига таъсир қилувчи кўплаб юқумли касалликларни келтириб чиқармоқда. Ачинарлиси ушбу касалликлар узоқ йиллар мобайнида аҳоли генига ўтиб авлодлар генафондида ирсий касалликларни келтириб чиқариш хавфи ортиб бормоқда.

Охириги 15 йилликда аҳоли ва ёш болаларнинг соғлигини ёмонлашуви кузатилмоқда. Бу асосан Орол бўйида, Тошховуз, Хоразм ва Бухоро вилоятларида аниқланган. Қорақалпоғистонда ва Хоразмда 72 % аҳоли соғлиги яхши эмас. Айниқса

Қорақалпоғистонга яқин туманларда 80 % аҳоли респиратор касаллиги билан оғриган (нафас



йўлларининг оғриши 2 марта ошган). Мўйноқда қон айланиш бузилган. Пестицидлар қўлланиладиган шаҳарларда касаллик 3 баробар ошиб кетган. Кейинги йилларда илгари маълум бўлмаган бутун бир гуруҳ касалликлар юзага келди ва аниқланди, ўзига хос эпидемиологик ҳамда амалиётга эга юқумли касалликлар, олдини олиш мураккаб бўлган генетик касалликлар, эндокрин, аллергик ва заҳарланиш касалликлари, шу жумладан илгари бўлмаган кимёвий моддалар массасини кўпайишидан авж оладиган заҳарланиши - аллергик касалликлар шулар жумласидандир. Шундай қилиб атроф муҳит аҳолининг соғлигини ва умуман инсон ривожини белгиловчи омиллар орасида муҳим рол ўйнади. Соғлиқни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратилса, унинг таъсирини ҳазм қилиш мумкин. Аҳоли ичадиган сув пестицидлар билан ифлосланган, кейинги 10 йил ичида ўлим 2 марта ортган. Болалар ўлими ҳар туғилаётган 1000та чақалоқдан 45-90 тага тўғри келади. Аёлларнинг 80%ида камқонлик хасталиги учрайди. Болаларнинг 90%ида сийдигида тузлар миқдори ортиб кетган.

Орол сув сатҳини маълум юзада сақлаб туришнинг ягона йўли - бу унинг ҳавзасидаги маҳаллий сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишдир. Агар сув ресурсларидан тежаб фойдаладилса, бундан буён экин майдонлари кенгайтирилмаса, экинларнинг суғориш нормасига риоя қилиб, сувнинг (ариқлар тагини бетонлаб ёки полиэтиленли плёнкалар билан қоплаб) шимилиб кетиши камайтирилса, янги сув омборлари қуриш тартибга солинса, сувни кўплаб сарфловчи Қорақум, Қарши, Аму-Бухоро каби каналлар суви тежалса, зовур сувларининг бир қисми Орол томон буриб юборилса,

йилига 30-35 км³ атрофида сувни тежаш мумкин. Бу эса Орол сув сатҳини 40,0 м. юзада сақлашга имкон беради.

Денгиз хозирда "ўлик денгиз" деб хисобланмоқда, одамларнинг сиҳат-саломатлигига, ҳайвонот оламига катта зиён етди. Тирик организм денгизда деяри йўқ. Аҳоли орасида айниқса нафас олиш ва асаб тизими билан боғлиқ ҳасталиклар кўпчиликни таашкил этади. Худудда юқумли кассаликлар ўз саломатлиги жиҳатдан юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Улар орасида айримлари, эндемик бўқоқ, сил ва баъзи таносил ҳасталиклари (захм, сўзак)нинг ортиб бориши билан алоҳда ажралиб турмоқда. Бундай ҳасталикларга дучор бўлиш аксарият ҳолларда ўсмирлар ва кўпроқ катта ёшли аҳоли гуруҳлари учун ҳос бўлиб, улар сўнги йилларда юқори кўрсаткичларни ташкил этмоқда. Мазкур кассаликлар тарқалишининг бирдан-бири жойнинг экологик табиий ҳолати омили ва санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслиқдир.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида – хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тарақиёт кафолатлари" асарида "Орол инқирози-инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва ижтимоий фалокатлардан бири эканлигини ва денгиз ҳавзасида яшовчи 35 миллиондан ортиқ аҳоли унинг таъсири остида" қолганлигини таъкидлаб ўтган. Орол фожиаси натижасида вужудга келган санитария вазияти нафақат Марказий Осиёда яшайдиган 70 миллион кишининг саломатлигига ва зурриётигагина таъсир қилиб қолаётгани йўқ. Бу вазият атроф-муҳит мувозанатини, бутун Евросиёдаги эпидемиология вазияти ва ижтимоий вазиятни бузмоқда.

Бу муаммонинг умумбашарий тусда эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича махсус комиссиясини тузиш, шу муаммо бўйича БМТ раҳбарлигида халқаро конференция ўтказиш ташаббускори бўлди.

Ўзбекистон Ўрта Осиёдаги давлатларнинг бир-бирига яқинлашувини янада ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир. Бундай оламшумул муаммоларни ҳал этиш жаҳон ҳамжамияти манфаатларига мос келади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. I.A.Karimov "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida. Xafvsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari". T.: "O'zbekiston", 1997.
2. O'zbekiston Respublikasi Milliy entsiklopediyasi 1-12 tom.
3. P.G'ulomov, A.Vahobov, A.Xasanov, "O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi". T.: "Mehnat", 1995.
4. O'zbekiston qizil kitobi. Toshkent. "Yohinos ENK" 1998 yil.
5. Internet saytlari. www.ziyo.net, www.wgeo.ru, www.carnet.ru.

Макаренко Татьяна, Косматьков Александр (Гомель, Республика Беларусь) ИЗУЧЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ И МИГРАЦИИ КОБАЛЬТА В ВЫСШИХ ВОДНЫХ РАСТЕНИЯХ ВОДОЁМОВ Г. ГОМЕЛЯ И ПРИЛЕГАЮЩИХ ТЕРРИТОРИЙ.....	129
Макаренко Татьяна, Горская Евгения (Гомель, Республика Беларусь) СОДЕРЖАНИЯ ТЯЖЕЛЫХ МЕТАЛЛОВ СВИНЦА, МЕДИ, ЦИНКА В МЯГКИХ ТКАНЯХ ДВУСТВОРЧАТЫХ МОЛЛЮСКАХ В ВОДОЕМАХ Г. ГОМЕЛЯ.....	132
Обидова Орастахон Азамовна (Кўқон, Ўзбекистон) ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ.....	135
Пырьх О.В., Алексейкова А.И., Коцур А.Н. (Гомель, Республика Беларусь) ТЯЖЕЛЫЕ МЕТАЛЛЫ В ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОДАХ ПРЕСНЫХ ВОДОЕМОВ.....	140

СЕКЦИЯ: ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ

Абдувалиев Хайитбой Абдуганиевич (Фергана, Узбекистан) ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЛАНДШАФТЛИ ЁНДАШУВ.....	143
Курбанов К., Мирахмедова С., Камолов Э. (Джизак, Республика Узбекистан) “ЖИЗЗАХ” МИЗ: БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ	146
Холмурзаев Ж.Э., Ўсканов К.А., Норматов Д.М. (Джизак, Республика Узбекистан) ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ЭКОЛОГИК ШАРОИТГА ҲАМДА АҲОЛИ ГЕНАФОНДИГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.....	150